



ТЕХНИК ТОПШИРИК

Хизматлар ҳажми – Кийимларнинг тахминий ҳажми: 14271 кг. Кийимларни олиш ва етказиб бериш ҳар куни амалга оширилиши керак.

Хизмат кўрсатиш қиймати – 1 кг кийим учун 6500.00 сўм.

Хизмат кўрсатиш шартлари (даврлари): шартнома тузилган пайтдан бошлаб 2022-йил 31-декабргача.

Хизмат кўрсатиш жойи: Кийимларни олиш ва етказиб бериш (ҳисоб-фактуралар кўчирмаси билан) Ижро этувчи томонидан Буюртмачининг манзили бўйича амалга оширилади: Тошкент вилояти Зангиота туман Хонобод 5 уй

Сифат ва ишончликка бўлган талаблар:

Ювиш учун фақат барча зарур санитария меъёрларига жавоб берадиган юқори сифатли кимёвий ва тозалаш воситаларидан фойдаланиш. Ювилгандан сўнг, кийимлар одамлар учун хавфсиз бўлиши керак.

Ижро этувчининг айби билан йўқолган кийимнинг қийматини қайтариб бериш Ижро этувчи томонидан кийимни қайта ишлаш учун топшириш вақтида эскириш даражаси ва нуқсонлар мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда сотиб олинган товарларнинг нархлари бўйича амалга оширилади. Кийимни ювиш сифати Буюртмачини қониқтирмаса, Ижро этувчи хизмат ҳақини қайта ундирмасдан кийимни қайта ишлашга мажбурдир. Ижро этувчи хизмат кўрсатиш шартларига риоя қилган ҳолда хизматнинг юқори сифатли бажарилишини таъминлаш шарт (кийим биологик субстратлардан ювилиши керак). Ювилмаган кон доғлари бўлган, бетола хидлар мавжуд бўлган, шунингдек, ёмон ювилган кийимлар Ижро этувчига қайтарилади ва Ижро этувчи ҳисобидан 2 кун ичида ювилади.

Хизматлар қуйидаги меъерий-техник ҳужжатлар талабларига риоя қилинган ҳолда кўрсатилади: Ўзбекистон Республикасининг 26.08.2015 йилдаги ЎРҚ-393 - сонли "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги Қонуни; СанПиН 0342-17-сонли "Қасалхона ичидаги инфекцияларни олдини олиш" - О'zDSt 995:2001 "Хизматлар, Асосий қоидалар".

Бажарилган иш ҳажми учун ҳисоб-китоблар қуйидаги шароитлар бажарилганда 1 кг қурук кир кийимнинг оғирлиги бўйича асортиментда амалга оширилади:

- хизмат муддати 8 дан 8 соатгача, шошилич ювиш режимида, ҳафтада 7 кун, дам олиш кунларисиз амалга оширилади.

- дам олиш ва байрам кунларида хизматлар кўрсатиш нархини ўзгартирмаган ҳолда хизматлар кўрсатиш.

- кийим тоза, доғсиз, дазмолланган бўлиши керак.

- дазмоллашдан кейинги кийимлар қурук, яхши дазмолланган, ажинларсиз, бурмаларсиз ва матоларнинг хиралашувисиз бўлиши керак.

- кийимни юклаш, ташиш, тушириш ва қаватга қўтариш Ижро этувчи томонидан ўз маблағлари ва Ижро этувчининг ўз қучлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ижро этувчи кийимнинг шикастланиши ва йўқолиши учун унинг тўлиқ нархини қоплаш орқали, эскириш фозини ҳисобга олган ҳолда жавобгар бўлади. Кийимнинг шикастланиши ёки йўқолиши факти иккала томон вакиллари томонидан далолатнома тузиш орқали аниқланади. Кийим шикастланган, алмаштирилган ёки йўқолган тақдирда, Ижро этувчи кийимнинг қолдиқ қийматини қоплайди ва (ёки) шикастланган кийимни алмаштиради.

Қадоқлашга бўлган талаблар:

Ювиш ва дазмоллашдан сўнг, кийимларни буклаш ва қадоқлаш керак. Нам кийимларни қатлашга йўл қўйилмайди. Кийимлар турига кўра таснифланиши керак.

Гигиеник талаблар: Кир ювиш хонаси жойлашуви технологик жараённинг кетма-кетлигини (оқимини) назарда тутиши керак, тоза ва кир кийим оқимларининг кесишишига йўл қўйилмайди. Кир ювиш хонасида бир-биридан аниқ ажратилган иккита бўлинма бўлиши керак: тоза ва кир. Ювиш эритмаларини тайёрлаш учун воситалар уларнинг хавфсизлигини тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлиши керак. Ювиш эритмаларини тайёрлаш реактор хонасида тасдиқланган кийимларни ювиш технологиясига катъий мувофиқ равишда амалга оширилади. Кийимларни ювиш жойлари тоза сакланиши керак. Барча хоналарни нам тозалаш ҳар куни амалга оширилади. Умумий тозалаш ҳар ойда бир марта амалга оширилади. Биноларни дезинфекциялаш учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган дезинфекциялаш воситалари қўлланилади. Кир ва тоза кийимни тўғридан-тўғри полда саклашга йўл қўйилмайди. Тоза кийимни тарқатиш фақат қадоқланган ҳолатда амалга оширилади. Автотранспорт воситалари, махсус аравалар ва тоза кийимларни ташиш учун мўлжалланган бошқа қурилмалар дастлабки дезинфекциядан ўтказилади. Автотранспорт воситаларининг мавжудлиги.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 16-СОНЛИ ҚАРОРИ ВА САН.ПИН.0342-17-СОНЛИ ҚАРОРИГА МУВОФИҚ АУТСОРСИНГ КИР ЮВИШ ХИЗМАТЛАРИГА ҚўЙИЛГАН ТАЛАБЛАР

1. Палата чойшаблари

1. Дезинфекциялаш камерасида стерилизация қилинган бўлиши, сўнгра гипоаллерген порошок кукунида ювилган бўлиши керак, буни мувофиқлик сертификати ва санитария-эпидемиология хулосаси тасдиқлайди.

2. Ювилган кирлар крахмалланган, дазмолланган бўлиши ва тугрук комплекси доғотинди (чойшаб, кўрпа жилд, ёстиқ жилди) жойлаштирилган бўлиши керак.

3. Қадоқланган чойшаблар банерли пологно – матодан тайёрланган қопларга ҳар бир бўлим учун алоҳида тахлаб жойланади (қоп ўлчами 1*1,2м)

4. Кирларни олиб кетиш ва етказиб бериш кунига 1 марта ҳафтасига 7 кун

5. Матраслар, ёстиқлар, одеялоларга беморлар касалхонадан чиқарилганидан кейин камида ҳафтада 1 марта дезинфекциялаш камерасида қайтадан ишлов берилиши керак.

2. Операция чойшаблари

1. Дезинфекциялаш камерасида стерилизация қилинган бўлиши, сўнгра натрий гипохлорид эритмасига ивйтиб қўйилади, қон доғлари суюқ хўжалик совуни билан ишқаланади, кейин совуқ сувда чайилади ва гипоаллерген порошок кукунида ювилади.

2. Ювилган кирлар дазмолланган ва бир марталик қопларга тахлаб солинган бўлиши керак.

3. Кирларни олиб кетиш ва етказиб бериш кунига 2 марта, ҳафтасига 7 марта

4. Чойшаблардаги қон доғлари ёки бошқа доғлар кетмаган ҳолларда, чойшаблар жарроҳлик чойшаблари стандартларига мос келадиган янги тоза чойшабларга зудлик билан алмаштирилиши керак.

5. Жарроҳлик бригадасининг униформаси дезинфекция ишловидан ўтиши ва операциядан кейинги қон теккан кирлардан алоҳида ювилиши керак.

3. Кирхонага қўйиладиган талаблар

1. Кир ювиш хонасининг жойлашув тартиби технологик жараённинг кетма-кетлигини (оқимини) таъминлаши керак, тоза ва ифлос кир оқимларининг бир вақтда келишига йўл қўйилмайди ва булар тегишли кадастр ҳужжатлари билан тасдиқланган бўлиши керак.

2. Кир ювиш хонаси бир-биридан аниқ ажратилган иккита бўлинма: тоза ва ифлос кирлар бўлинмасидан иборат бўлиши керак.

3. Тозаловчи эритмаларни тайёрлаш воситалари уларнинг хавфсизлигини тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлиши керак. Тозалаш эритмаларини тайёрлаш реактор хонасида, тасдиқланган кир ювиш технологиясига катъий равишда амал қилган ҳолда амалга оширилади.

4. Кир ювиш хоналари тоза сакланиши керак. Ҳар куни барча хоналарда нам тозалаш амалга оширилади. Умумий тозалаш ойига бир марта амалга оширилади. Биноларни дезинфекция қилиш учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган дезинфекция воситаларидан фойдаланилади. Кир ва тоза чойшабларни бевосита полда сакланишига йўл қўйилмайди.

5. Кир ювиш хонаси фақат тиббий муассасалар учун мўлжалланган бўлиши керак, аҳоли, сув муассасалари, меҳмонхона мажмуалари ва ҳоказоларга хизмат кўрсатилишига йўл қўйилмайди.

4. Асбоб-анжомлар ва автотранспорт воситаларига қўйиладиган талаблар

1. Тоза кирларни транспортда ташиш учун мўлжалланган махсус аравачалар ва бонка қурилмалар олдиндан дезинфекция килиниб, ишлов берилади.

2. Кирларни йиғиш ва етказиб бериш, шунингдек ювиш ва дезинфекцияланган воситаларини етказиб бериш учун фойдаланиладиган автотранспорт воситаларига қунига 2 марта дезинфекциялаш аппарати ёрдамида натрий гипохлорид билан ишлов берилиши керак. Автотранспорт воситаларининг маркаси Дамас / лабо/ исузу / газель бўлиши, поли динолеум / клеёнка билан қопланган, орқа ўриндиклар бўлмаслиги керак.

5. Ходимларга қўйиладиган талаблар

Барча ходимлар:

Кир ювиш бўйича оператор

Кирларни дазмоллаш бўйича оператор

Кирларни ҳисобга олиш ва тақсимлаш бўйича оператор

Биоларни тозалаш бўйича санитарлар

Асбоб-анжомлар ва автотранспорт воситаларига ишлов бериш бўйича санитарлар

мунтазам тиббий кўрикдан ўтишлари учун тиббий дафтарчалар ва Сан.ПиН нинг 03/42-17-сонли қарорига мувофиқ бир йилда бир марта САН.МИНИМУМдан ўтганлиги тўғрисидаги сертификатга эга бўлишлари керак.

Вазирлар Маҳкамасининг 10.01.2020 йилдаги 16-сонли аутсорсинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги қарорига мувофиқ буюртмачи шартнома тузилгунга қадар сифатни назорат қилиш ва СанПиннинг №0342-17-сонли қарори талабларини бажариш мақсадида корхона хизматлари бажарилиш жараёнини аудит текширувдан ўтказди.

Республика шошилишч
тиббий ёрдам илмий маркази
Тошкент вилояти филиали
Директори А.Т.Эрметов

“ _____ ”

Товарлар ва хизматларни сотиб олиш учун

Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари:

Республика шошилишч тиббий ёрдам илмий маркази
Тошкент вилояти филиали беморларига кўнига 4 маҳал
парҳез овқатланиш бўйича иссиқ таом билан таъминлаш
хизматини кўрсатиш

Таклифларни баҳолаш мезонлари ва кўриб чиқиш тартиби Танлаш
комиссияси томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган:

Республика шошилишч тиббий ёрдам илмий маркази Тошкент вилояти
филиали

Тошкент – 2022 й.

МУНДАРИЖА

I. Танлаш бўйича иштирокчилар учун кўрсатмалар.

II. Танлашнинг нарх қисми.

Танлов ҳужжатларининг шакллари ва аризалари.

Ариза берувчи учун мезонлар.

I. ТАНЛАШ БЎЙИЧА ИШТИРОКЧИЛАР УЧУН КЎРСАТМАЛАР

I	Умумий қоидалар.	1.1	Бу қўлланма Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг “Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 26 майда 3016 рўйхат рақами билан рўйхатдан ўтказилган буйруқларига асосан ишлаб чиқилган.
		1.2	Танлаш ўтказиш мақсади: Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Тошкент вилояти филиали беморларига қунига 4 маҳал парҳез овқатланиш бўйича иссиқ таом билан таъминлаш хизматини кўрсатиш
		1.3	Танлаш ўтказишнинг чегаравий қиймати 282 000 000 сум ҚҚС билан
		1.4	Таклифда кўрсатилган нархлар чегаравий қийматдан ошмаслиги керак.
		1.5	Сотиб олинган маҳсулотлар (товарлар ва хизматлар) учун техник топшириқлар ушбу ҳужжатнинг техник қисмида келтирилган.
		1.6	Танлов комиссияси йиғилишининг шакллари - қундузги

	Танлаш ташкилотчилари ва манзили	2.1	<p>Танлаш ўтказиш Буюртмачиси Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Тошкент вилояти филиали (кейинги ўринларда «Буюртмачи») ҳисобланади.</p> <p>«Буюртмачи» манзили: Тошкент вилояти Зангиота туман Хонобод ҚФЙ 5- уй .</p> <p>«Буюртмачи» реквизитлари:</p> <p>Юридик манзил: Тошкент вилояти Зангиота туман Хонобод ҚФЙ 5- уй .</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги</p> <p>Ҳисоб рақами: 2340 2000 3001 0000 1010</p> <p>Банк: Марказий банкнинг Тошкент шаҳридаги ҳисоб-китоб касса маркази</p> <p>ИНН: 201 122 919 МФО: 00014</p> <p>ОКЭД: 86100</p> <p>Шахсий ҳисоб рақами: 1000 2186 0272 3770 7310 2054 001</p> <p>ИНН: 203 424 097</p>
		2.2	<p>Масъул шахс: Маҳкамова Матлуба Мирсобидовна тел.: +(998 99) 897-77-89</p>
		2.3	<p>Комиссиянинг ишчи органи Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Тошкент вилояти филиали Танлов комиссияси (кейинги ўринларда "Ишчи орган" деб юритилади) ҳисобланади.</p> <p>Манзил: Тошкент вилояти Зангиота туман Хонобод ҚФЙ -5 уй.</p>
		2.5	<p>Танлов буюртмачи томонидан тузилган (камида беш аъзодан иборат) танлов комиссияси томонидан ўтказилади, у танлов учун вақтинчалик комиссия ҳисобланади.</p>
3	Танлов қатнашчилари	3.1	<p>Танловда мулкчилик шаклидан қатъи назар, ҳар қандай юридик шахс, шу жумладан кичик бизнес субъектлари иштирок этишлари мумкин. 4.2 -бандда кўрсатилган юридик шахслар бундан мустасно.</p>
4	Танлов ўтказиш тартиби	4.1	<p>Танловда қатнашиш учун танлов иштирокчиси:</p> <p>а) танлов шартлари билан танишиш учун махсус ахборот порталида жойлаштирилган танлов ҳужжатларининг электрон версиясини олиш (юклар олиш);</p>

		<p>б) Танловда камида бир йиллик тажрибага эга бўлган ушбу турдаги ишлар ва хизматларни бажариш ҳуқуқига эга бўлган барча ташкилотлар катнашиши мумкин.</p> <p>в) Танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ танлов таклифини тақдим этиш;</p>
	4.2	<p>Танловда қуйидаги катнашувчиларга руҳсат берилмайди:</p> <p>қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган ташкилотларга;</p> <p>"Буюртмачи" билан суд ёки бошқа келишмовчилик ҳолатида бўлган ташкилотларга;</p> <p>виждонсиз ижрочиларнинг ягона реестрида жойлашган;</p> <p>солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорлиги мавжуд ташкилотларга;</p> <p>уч йилдан кам иш тажрибасига эга бўлган ташкилотлар;</p> <p>зарур ҳужжатлар тўпламини ўз вақтида тақдим этмаган ташкилотлар;</p> <p>Иш ва хизматларни бажариш учун лицензия ва сертификатлар йўқлиги (агар иш тури махсус лицензияни талаб қилса)</p> <p>Юқорида айтиб ўтилган мажбурий ҳужжатлардан ташқари, иштирокчи ўзининг молиявий аҳволи, обрўси, иш тажрибаси ва бошқаларни акс эттирувчи қўшимча маълумотли ҳужжатларни тақдим этиш ҳуқуқига эга.</p>
	4.3	<p>"Буюртмачи" қуйидаги ҳолларда танлов иштирокчисини танловдан четлатиши мумкин:</p>
		<p>иштирокчи буюртмачининг ёки бошқа давлат органининг амалдаги ёки собиқ мансабдор шахсига, ходимига тўғридан-тўғри ёки билвосита танловда ғолиб бўлиш учун ҳар қандай ҳаракатнинг бажарилишига таъсир қилиш мақсадида ҳақ тўлашни ёки ҳар қандай шаклдаги рағбатлантиришни таклиф қилса;</p>
		<p>Агар иштирокчи қонунни бузган ҳолда адолатсиз рақобат устунлигига ёки манфаатлар тўқнашувига эга бўлса.</p>

	Танлов тили, ўлчов бирлиги.	5.1	Иштирокчи ва буюртмачи томонидан амалга ошириладиган танлов таклифи ва унга тегишли барча ёзишмалар ва хужжатлар ўзбек ёки рус тилида бўлиши керак.
6	Танлов таклифи ва уни рўйхатдан ўтказиш тартиби	6.1	Танлов иштирокчиси:
			тақдим этилган маълумотлар ва хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгардир;
			Иштирокчи фақат битта таклифни тақдим этиш ҳуқуқига эга;
			Иштирокчи таклифларни тақдим этиш муддати тугагунга қадар тақдим этилган таклифни қайтариб олиш ёки ўзгартириш ҳуқуқига эга эмас.
7	Бошқа шартлар	7.1	Танловда қатнашиш истагини билдирган иштирокчилар, ўтказилаётган танлов ҳақида тушунтириш бериш учун комиссия аъзоларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.
		7.2	Танлов комиссияси қуйидаги ҳолларда танлов амалга ошмади деб топиши мумкин: агар танловда битта иштирокчи қатнашган бўлса ёки ҳеч ким қатнашмаган бўлса; агар таклифларни кўриб чиқиш натижаларига кўра, танлов комиссияси танлов хужжатлари талабларига мос келмаслиги сабабли барча таклифларни рад этган бўлса;

II. НАРХ ҚИСМИ

1	Чегаравий киймати	282 0000 000 сўм ҚҚС билан
2	Молиялаштириш манбаи	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
3	Тўлов шартлари	Хизмат ҳақи шартнома тузилгандан сўнг, шартнома миқдорининг 30% олдиндан тўланиши билан амалга оширилади. Якуний тўлов 70% тўлик маҳсулот етказиб берилгандан сўнг амалга оширилади.
4	Тўлов валютаси	Сўм - Ўзбекистон Республикаси валютаси
6	Бажариш, етказиб бериш муддати (хизматлар, ишлар)	2022 йил 31 декабргача

Олдиндан тўлов миқдори (%)

Кўрсатиладиган хизмат учун ҳақ шартнома тузилгандан сўнг, шартнома суммасининг 30% олдиндан тўланиши билан амалга оширилади.

Буюртма бўйича хизмат ҳақи имзоланган ҳисоб-фактура, бажарилган ишлар далолатномалари асосида тўланади. Актга ижро ҳужжатлари илова қилиниши керак.

Товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) буюртмачи эҳтиёжларига мувофиқлиги (товар белгилари, Давлат стандарти, нав, товар номлари ва бошқалар)

Республика шошилишч
тиббий ёрдам илмий маркази
Тошкент вилояти филиали
Директори А.Т.Эрметов

ТЕХНИК ҚИСМ

АСОСИЙ ТЕХНИК ШАРТЛАР

1. Харид килиш объектининг номи: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика шошилишч тиббий ёрдам илмий маркази Тошкент вилояти филиали беморларига кунига 4 маҳал пархез овқатланишини тайёрлаш бўйича хизматлар кўрсатиш.

Аутсорсер пархез таомларини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш вазирлигининг амалдаги буйруқлари асосида сифатли ҳамда ўз навбатида Буюртмачининг пархез хамширасини талаблари асосида тайёрлаб ушбу Шифохона худудига иссиқ холда ўз вақтида етказиб бериши шарт.

Аутсорсер ташкилотининг бош ошпази, ёрдамчи ошпазлари ва ишчи хизматчилари тиббий кўрикдан ўтган бўлиши, шу билан бирга вакцина олган бўлиши шарт.

Аутсорсер ташкилотининг бош ошпази, ёрдамчи ошпазлари ва ишчи хизматчиларининг айнан шу пархез таомларини тайёрлаш бўйича камида 3 йил иш стажу ва сертификат ёки дипломга эга бўлиши шарт.

Аутсорсер ташкилотининг ўз хисобида айланма маблағлари пархез таомларни тайёрлаш мақсадида озиқ-овқат махсулотларини сотиб олиш учун етарли бўлиши шарт.

Танловда қатнашаётган Аутсорсер солиқ ўрганларидан “Қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида” маълумотномаси бўлиши шарт.

Танловда қатнашаётган Аутсорсер ўз фаолиятини амалга ошираётган фаолиятини бошлаган кундан шу кунгача” банкдан айланма маблағлари тўғрисидаги маълумотномасининг бўлиши шарт.

Танловда қатнашаётган Аутсорсер ўз навбатида унинг штатида диет хамшираси бўлиши шу билан бирга Шифохонада даволанаётган беморларни қайси диет стол бўйича пархез таомларни тайёрланишини билиш шарт.

Хизматларни кўрсатиш муддати: Шартнома тузилган пайтдан бонлаб 31.12.2022 йилгача.

2. Кўрсатилаётган хизматларнинг қисқача тавсифи.

2.1. Аутсорсер пархез овқатланишини тайёрлаш учун зарур бўлган хизматларнинг бутун мажмуасини ўз ичига олган диетали тиббий овқатланишни тайёрлаш бўйича хизматларни кўрсатиши керак, хусусан: маҳсулотларни сотиб олиш, барча санитария-гигиена қоидаларига риоя қилган ҳолда пархезли тиббий овқатланиш рационини тайёрлаш. нормалар ва қоидалар.

3. Хизмат кўрсатишга қўйиладиган умумий талаблар.

3.1 Хизматлар сифати ушбу спецификация талабларига жавоб бериши ва беморларнинг соғлиқни сақлаш муассасасида бўлиш вақтида мувозанатли овқатланишга бўлган барча эҳтиёжларини, шу жумладан озука моддалари ва энергияга бўлган физиологик эҳтиёжларини қондириши керак.

3.2 Аутсорсер озиқ-овқат маҳсулотларини, шу жумладан тез бузиладиган ва айниқса тез бузиладиган маҳсулотларни омборда сақлашда ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланган яроқлилиқ муддати, ҳарорат ва намлик шароитлари ва озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш шартларига риоя қилиши шарт ва норматив ҳужжатлар талабларига жавоб беради.

3.3. Пудратчи хизматлар кўрсатишда Ўзбекистон Республикасининг санитария қонунчилигига риоя этилишини, умумий овқатланиш учун маҳсулотларни талаб қилинадиган ҳажмларда етказиб беришни кафолатлайди.

3.4 Ошпазлар учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан берилган малака сертификатларининг мавжудлиги.